

Мавзу. Аниқлаштирилган мақсадларни белгилаш

- Режа:

- 1. Ўқув жараёнини технологиялаштиришда мақсадни белгилаш муҳимлиги.**
- 2. Мақсадлар таксономиялари.**
- 3. Билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолиятига даражали ёндашув асосидаги уч даражали тестларнинг моҳияти .**

Технологиялаштиришни тадбиқ этиш самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ

Ўқитувчининг
технологик
маданиятидан

Технологик
билимлар ва кўникмалар
мажмуасидан

Мақсадни белгилаш
кўринишида ўқув
натижаларини
режалаштиришни билиш


Ўқув жараёнини
лойиҳалаштиришни
билиш

Ўқув фаолияти
натижаларини
баҳолашни билиш

- **Ўқитиш режасини тузишнинг ҳар босқичида ўқитувчининг бошқарув ҳаракатлари:**

- Мақсадни белгилаш
- Ташхис
- Башорат қилиш
- Лойиҳалаш
- Режалаштириш
- Ташкиллаштириш
- Ахборотли таъминлаш
- Назорат, баҳолаш ва ўзгартириш киритиш
- Тугалланган жараён таҳлили

Ўқув машғулотининг тузилмавий ва вазифавий таркиблари:



«Мақсадни белгилаш» тушунчаси

Мақсад-фаолиятни ниҳоят даражада олдиндан билиш натижаси.

Бу эса, таълим субъектларининг фаолият якунида эгаллашлари кўзланаётган нарсадир.

Натижа: ўқув фаолиятида олинган натижа таълим олувчининг ривожланишида олдинга силжиш бўлиб, бу унинг у ёки бу фаолиятида ўз аксини топади

Педагогик мақсад- бу ўқитувчи ва талаба томонидан уларнинг ўзаро ҳаракатини умумлашган фикрий пайдо бўлувчилар шаклида олдиндан кўра билиши

Ўқитувчи мақсади- бу ўқитиш-ўргатиш. Ўқитувчи уни белгилаши бўйича аниқ ҳаракатларни бажаради: ажратади, таҳлил қилади, ифодалайди.

Талабалар мақсади-бу ўқиш-ўрганиш. Ҳар бир талаба турли аниқликда, тўлиқликда ва англаган ҳолда ўзининг мақсадаларига интилади: касбий ҳаракатларга ўрганиш, бошқаларга нисбатан вазифаларни яхши бажариш, топшириқларни тез бажариш

Талабалар мақсади ўқитувчи мақсади билан мос келиши ёки мос келмаслиги ҳам мумкин. Бундай пайтда ўқитувчи уларни яқин келтириш йўлларини топиши муҳим.

Педагогик жараён мақсадлари

Таълимий мақсадлар- билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, яъни: талабаларда иқтисодиёт асослари тўғрисида билимларни шакллантириш

Ривожлантирувчи мақсадлар- ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган билиш жараёнларини сезиш, қабул қилиш, фикрлаш, хотира, тасаввур қилиш орқали шакллантириш.

Масалан: талабаларда топшириқларни мустақил ечиш кўникмаларини шакллантириш; талабаларда фикрлашни ривожлантириш.

Тарбиявий мақсадлар- жамиятга, меҳнатга, касбга, ўқув муассасасига, дарсга, фанга, ота-онага, ўзига, табиатга, санъатга, шунингдек шахсий сифтларни: ватанпарварлик, ҳалқпарвалик, инсонпарварликни шакллантириш.

масалан: талабаларда иқтисодчи касбга бўлган қизиқишларини шакллантириш.

Мақсадни белгилаш йўллари самарадорлигини баҳолаш

Одатдаги мақсадни белгилаш йўллари	Йўл самарадорлигини баҳолаш
1. Мақсадни ўрганилаётган мазмун орқали аниқлаш: “... ходисани ўрганиш”, “... теоремани ўрганиш”.	<i>Салбий томони:</i> воситавий ҳисобланмайди, натижа аниқ эмас.
2. Мақсадни ўқитувчи фаолияти орқали аниқлаш: “... билан таништириш”, “... тўғрисида тушунтириш”.	<i>Салбий томони:</i> ўқитувчи диққатини ўзининг ҳаракатларига қаратади, натижа аниқланмаган.
3. Мақсадни ўқувчилар фаолияти орқали белгилаш: “... топшириқни ечиш”, “... машқ бажариш”.	<i>Салбий томони:</i> фаолиятни ташқи томонига диққат қаратилади, унинг оқибатлари- ўқувчи ривожланишидаги ўзгариш белгиланмаган.

<p>Одатдаги мақсадни белгилаш йўллари</p>	<p>Йўлни самарадорлигини баҳолаш</p>
<p>4. Мақсадни ўқувчиларнинг шахсий ривожланишининг ақлий, эмоционал ички жараёнлар орқали белгилаш: “... кўникмани шакллантириш”, “... билиш мустақиллигини ривожлантириш”, “... муносабатларни шакллантириш”.</p>	<p><i>Ижобий томони:</i> ўқитиш умумлашган мақсадлар даражасида. <i>Салбий томони:</i> ўқитиш аниқ дарс, мавзу мақсадлари даражасида (натижалар кўрсатилиши, аниқлаштириш лозим).</p>
<p>5. Мақсадни талабаларни аниқ ҳаракатларида ифодаланган, ўқитиш натижалари орқали белгилаш: “аниқ далил, қоида, тушунчаларни билади”, “... тушунади ... ўзгартиради”, “... бажара олади”, “... учун қоидани қўллайди”.</p>	<p><i>Ижобий томони:</i> ўзлаштириш эталонини аниқлаш имконини берувчи, воситавий мақсадни белгилаш йўли.</p>

Ўқитувчи томонидан ўқитиш мақсадларини аниқ вазифаларга мос келишини таъминлашда , Б. Блум ва уни издошлари томонидан ишлаб чиқилган мақсадлар таксономиялари ёрдам бериши мумкин.

Таксономия (юнон. *taxis*- тартиб бўйича жойлашув ва *nomos*- қонун) – мураккаблик даражаси бўйича ўқитиш мақсадларини тартибли жойлашишини аниқлаш, атама.

Ўқув мақсад тоифалари (Б.Блум бўйича)

Ўқув мақсадларини асосий тоифалари	Умумлашган турдаги ўқув мақсадлари намуналари
<p>1. Билим – ўрганилаётган материални эслаб қолиш ва қайта тиклаш</p>	<p>Талаба билади: фойдаланилаётган атамаларни; аниқ далилларни; метод ва иш тартибини, асосий тушунча, қоида ва йўлларни.</p>
<p>2. Тушуниш – материални бир шаклдан бошқада ифодаланганга ўзгариши талабани материални изоҳлаши (тушунтириши, қисқа баён қилиш);</p>	<p>Талаба: далилларни, қоида ва принципларни тушунади; схема, график, диаграммаларни изоҳлайди; оғзаки материални математик ифодалашларга ўзгартиради.</p>
<p>3. Қўллаш – ўрганган материални аниқ шароит ва янги вазиятларда қўллаш олиши</p>	<p>Талаба: қонун, назарияларни аниқ амалий вазиятларда қўллайди, метод ва иш тартибини тўғри қўллашни намоиш этади, тушунчаларни ва принципларни янги вазиятларда қўллайди.</p>

Ўқув мақсадларини асосий тоифалари	Умумлашган турдаги ўқув мақсадлари намуналари
<p>4. Таҳлил – материални шундай таркибларга бўлиш керакки, бунда уни тузилиши аниқ кўринсин</p>	<p>Талаба: ёпиқ (аниқланмаган) тахминларни ажратади, хулосалар мантиғидаги хатолик ва тушиб қолдиришларни кўради, далил ва оқибатлар ўртасида фарқларни ўтказди, маълумотларни аҳамиятлилигини баҳолайди.</p>
<p>5. Синтез – Янгиликка эга бўлган, умумийликни олиш, элементларни умумлаштира олиши</p>	<p>Талаба: ижодий ишлар ёзади, тажрибани ўтказиш режасини таклиф қилади, у ёки бошқа муаммони ечиш режасини тузиш учун, турли соҳадаги билимларни қўллайди.</p>
<p>6. Баҳо- Аниқ мақсад учун у ёки бошқа материал (тасдиқлар, тадқиқот, изланувчилик маълумот) аҳамиятини баҳолай олиши</p>	<p>Талаба: материални мантиқий тузилишини ёзма матн кўринишида баҳолайди, хулосаларни эга бўлган маълумотларга мувофиқлиги баҳолайди, у ёки бу фаолият маҳсули аҳамиятини ички мезонлардан келиб чиқиб баҳолайди, у ёки бу фаолият маҳсули аҳамиятини ташқи мезонлардан келиб чиқиб баҳолайди.</p>

Билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолиятига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини бирдай қилиш

I. БИЛИШЛИККА ОИД (ТАНИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАНИШ)

Уларга эришишнинг мақсад ва натижалари шакллантирилиши.

Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари.



Таълим мақсади: ...тўғрисида тушунчаларни шакллантириш.

Натижалар:

- (маълум, таниш нарсани ўзгартиришсиз, умумий тахминларни) тушунтиради, айтади, санаб ўтади;
- (ўз сўзларида) қайтариб беради;
- ташқи белги ва хусусиятлари бўйича билади, танийди;
- (сўзма-сўз) ёзади.

Баҳолаш мезони: ахборотни хатосиз қайта тиклайди.

Ушбу натижаларга эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчи

ҳаракатларнинг тавсифи



Таълим берувчи: таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштиришлари бўйича фаолиятларини ташкиллаштирувчи, ахборот манбаи бўлади.

Таълим олувчилар: ахборот - рецептив (қабул қилиш) фаолиятини амалга оширади: эштади, кузатади, ўқув ахборотини эслаб қолади ва хатосиз қайта тиклайди.

II. ТАРТИБЛИЛИККА ОИД (АЛГОРИТМ, НАМУНА, ЎХШАШЛИК БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАНИШ)

Таълим мақсади: ...тўғрисида билимларни шакллантириш, назарий билимни ўхшашлик бўйича қўллаш, ҳаракатларни тартиб бўйича бажариш кўникма ва малакаларини шакллантириш, (ривожлантириш, мустаҳкамлаш).

Натижалар:

- асосий фикрни ажратади;
- баҳо беради, яқун ясайди, исботлайди, таснифлайди;

тушунтиради, асослайди, умумлаштиради, ишончли далиллар келтиради, солиштиради ва таққослайди, хулосалар чиқаради.

Баҳолаш мезонлари: ўқув фаолият йўлларини билади, бор билимларини ўзгартиради ва уларни таниш шароитларда қўллайдилар: намуна, ўхшашлик бўйича бажаради.

Таълим берувчи: таълим олувчилар фаолиятини ташкиллаштиради.

Таълим олувчилар: (намуна) кетма-кетлик бўйича репродуктив (қайта тиклаш) фаолиятни амалга оширади: билимларни онгли ўзлаштиради, уларни мустаҳкам эслаб қолади ва қўллайди: ўхшаш ҳолатда ҳаракатларни асос билан намунали ўрганганликлари бўйича таълим берувчи раҳбарлиги остида бажарадилар.

III. ИЖОДИЙ ФИКРЛОВЧИЛИККА ОИД (ЭВРИСТИК, ҲАРАКАТЛАРНИ ТАНЛАШ)

Уларга эришишнинг мақсад ва натижалари шакллантирилиши.

Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари.

Таълим мақсади: шахсий фаолият тартибини ташкил этиш ва шу бўйича мустақил ижодий изланишни олиб бориш ва билимларни излаб топиш, уларни янги ҳолатларда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Натижалар:

- шахсий фаолиятини режалаштиради ва ташкиллаштиради;
- керакли ахборотни топади, танлайди, қўллайди ва янгидан ҳосил қилади;
- ясайди, мураккаблаштиради, соддалаштиради; синайди;
- билим ва малакаларни янги ҳолатларда таниш ва ностандарт топшириқларни, муаммоли ҳолатларни ечиш учун қўллайди;

Баҳолаш мезони: янги ҳолатда фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади, янгидан ҳосил бўлган билимлари асосида ҳаракатларни бажаради, шахсий фаолиятини мустақил тузади.

Ушбу натижаларга эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчи ҳаракатларининг тавсифи

Таълим берувчи: таълим олувчилар фаолиятини йўналтиради.

Таълим олувчилар: ижодий фикрловчилик турдаги натижавий ижодий фаолиятни амалга оширади: мустақил тузилган тартиб бўйича мустақил изланиш ва билимларни излаб топишни олиб боради, ўзлаштирилган билимларни излаб топишни олиб боради, ўзлаштирилган билимларни янгидан ҳосил қилади ва уларни янги ҳолатда қўллайди

IV. ИЖОДКОРЛИККА ОИД (ҲАРАКАТЛАРНИ ИЗЛАШ)

Уларга эришишнинг мақсад ва натижалари шакллантирилиши.
Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари.

Таълим мақсади: муаммони мустақил ажратиш ва ечиш қобилияти, тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолиятига тайёргарлик, нотаниш ҳолатларда ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантириш (ривожлантириш).

Натижалар:

муаммони мустақил ажратади ва уни ҳал этиш йўлини топади;
тадқиқот объекти ва предметини топади, тадқиқот фарази ва вазифаларини илгари суради, тажриба ўтказиш режасини тузади, тажриба ўтказиши, тажриба натижалари асосида фаразни текширади, тажрибадан олинганларни қўллаш чегарасини аниқлайди.

Баҳолаш мезони: тадқиқотчилик турдаги мақсадлар фаолиятини амалга оширади, тизимли ёндошиш йўлларига эга, таҳлил қилиш малака ва кўникмаларни намоён этади.

Ушбу натижаларга эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчи ҳаракатларининг тавсифи

Таълим берувчи: таълим олувчиларга маслаҳат беради.

Таълим олувчилар: тадқиқотчилик турдаги маҳсулдор фаолиятни амалга оширади.

Ўқув топшириғи

Билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолиятига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини ишлаб чиқинг.

Гуруҳлар ичида кичик тўрт гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлар амалга оширилади (ҳар бир кичик гуруҳ ўзлаштиришнинг битта даражасини ишлаб чиқиш).

Ишларни қуйидаги тартибда бажарадилар:

1. Мақсадни белгилаш учун фан ва мавзунини аниқлайдилар.
2. Машғулот шаклини аниқлайдилар (маъруза, семинар-амалий).
3. Машғулот турини аниқлайдилар (маъруза: кириш, мавзувий, муаммоли ва в.х; семинар: билимларни тизимлаштириш/ривожлантириш, мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ҳ.к.)
4. Ўқув машғулотини шакли ва тури бўйича мақсадни белгилашни амалга оширадилар.

Тавсиялар: 1. “Билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолиятига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини бирдай қилиш” жадвалидан фойдаланинг.

2. Ишни бажариш вақти -10 дақиқа.

3. Натижалар А4 формат қоғозда расмийлаштирилади.

Мақсадни белгилаш, тест топшириқларини ишлаб чиқиш

Узлаштириш даражаси	Мақсад	Натижа	Тест
I. Ўқувчиликка оид (таниш бўйича ҳаракатланиши)			
II. Тартиблиликка оид (алгоритм) (намуна, ўхшашлик бўйича ҳаракатланиш)			
III. Ижодий фикрловчиликка оид (эвристик) (ҳаракатларни танлаш)			
IV. Ижодкорликка оид (ҳаракатларни излаш)			

2. Талабаларнинг ўқув ютуқларини назорат қилиш

Талабаларнинг ўқув ютуқлари назорати - таълим берувчини таълим олувчилар билан қайтар алоқасини, улар томонидан ўқув материални ўзлаштириш даражаси тўғрисидаги ҳаққоний маълумотни олиш, шунингдек камчилик ва оралиқларни аниқлашни таъминлайди.

Уч даражали тест топшириқларини ишлаб чиқиш

I.
Билишликка оид
(таниш бўйича
ҳаракатланиш)

Эслаб қолиш, таниш ва қайта айтиб бериш билан боғлиқ бўлган билимларни текшириш—*таълим олувчи ўқув ахборотини муддат, далил, формула, қоида, қонунлар кўринишида эслаши ва қайта тиклаши лозим – 1 та ҳаракат қилинади.*

Доиранинг майдони формуласини кўрсатинг:

- А. $2R^2$
- Б. $\frac{\pi R^2}{2}$
- В. πR^2
- Г. $2R$

II.
Тартиблиликка
оид (алгоритм,
(намуна,
ўхшашлик
бўйича
ҳаракатланиш)

Амалиётда юзаки шароитларда билимлар (қоида, қонунлар)ни амалий қўллаш кўникмаларини текшириш: *таълим олувчи аввал ўрганган намуна бўйича вазифа/топишриқни бажариши керак- 2 та ҳаракат қилинади.*

Доира майдонини 2 см радиусли қилиб кўрсатинг:

- А. 25,12
- Б. 6,28
- В. 12,56

- 1. Доира майдони формуласи $S = \pi R^2$ ни эслаш.
- 2. Сон қиймати $\pi = 3,14$ ни эслаш.
- 3. Радиус узунлиги квадратга $2^2 = 4$ ни ошириш.
- 4. Доира майдони $S = 12,56$ ни ҳисоблаш

**Ш. Ижодий
фикрловчиликка
оид (эвристик,
(ҳаракатларни
танлаш)**

Мустақил ишлаб чиқилган иш тартиби: мантиқан тузилган, асосланган ўзаро боғлиқ бўлган тўғри хулоса чиқариш орқали бир хил бўлмаган топшириқларни ечиш учун ўзлаштирилган билимларни ўзгартира олиш кўникмаларини текшириш таълим олувчилар берилган топшириқ ва уни ечиш учун маълум бўлган қоидалар асосида мустақил иш тартибини тузиши керак- **2 ва ундан ортиқ ҳаракат қилинади.**

Ташқи доира майдонини ички доира майдонига нисбатини кўрсатинг:


$$R = 4; r = 2.$$

А. 3:1

Б. 4:1

В. 6:1

Г. 8:1



- 1. Икки доира майдони муносабатлари (радиуслар квадрати) тўғрисидаги теоремани эслаш.
- 2. Ташқи доира радиуси квадратини ҳисоблаш: $R^2 = 4^2 = 16$.
- 3. Ички доира радиуси квадратини ҳисоблаш: $r^2 = 2^2 = 4$.
- 4. Катта доира майдони муносабатидан кичик доира майдонини айириш: $16 - 4 = 12$.
- 5. Ташқи майдонни ички майдонга муносабатини тузиш: $12 : 4 = 3 : 1$.
- 6. Олган муносабатни таклиф этилган жавоблар билан таққослаш ва тўғри жавоб (А)ни аниқлаш.

**IV.
Ижодкорликка
оид
(харакатларни
излаш)**

Топширикни ечиш бир маъноли тўғри жавобни назарда тутмагани сабабли, ушбу даражада тест назорати ўтказилмайди.

Ўқув топшириғи

Билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолиятига даражали ёндашув асосида уч даражали тестларни ишлаб чиқинг.

1. Гуруҳлар ичида кичик уч гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлар амалга оширилади.
2. Ҳар бир кичик гуруҳ ўзлаштиришнинг битта даражаси учун тестлар ишлаб чиқадилар ва натижаларни жадвалга киритадилар.
3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ 3 тури бўйича тестларни ишлаб чиқадилар, учинчи гуруҳ эса- бир тури бўйича 3 та тест ишлаб чиқадилар.

Тавсиялар: 1. “Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштириш тестларини ишлаб чиқиш” (В. Беспалько бўйича) жадвалидан фойдаланинг.

2. Ишни бажариш вақти -10 дақиқа.

3. Натижалар “Мақсадни белгилаш, тест ва тест топшириқларини ишлаб чиқиш” жадвалига киритинг.

Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштириш тестларини ишлаб чиқиш (В. Беспалько бўйича)

Тест мақсади	Тестлар тоифаси ва турлари	Хусусиятлари	Жавоб лар	Тест топшириқларини ифодалаш намуналари
Талабалар аввал ўрганган материални танишини текшириш (ўзлаштириш- нинг I даражаси)	1. Таниб олишликка оид топшириқ	Бир вақтни ўзида (айтиб бериш учун) <i>топшириқ ва жавобдан</i> иборат бўлади	«Ҳа» «Йўқ»	... ҳисобланадими?
	2. Ажратиб олишликка оид топшириқ	<i>Савол ҳамда танлаш учун жавоб вариантларидан</i> иборат бўлади	1) 2) 3) 4)	...шулардан қайси бири... тўғрилигини кўрсатинг
	3. Таснифлашликка оид топшириқ	Мос қисмларни таққослаш топшириқларидан иборат бўлади	1-(а) 2-(в) 3-(б) 4-(г)	Мосликларни кўрсатинг (уларнинг тушунчаси ва белгиланиши)

<p>Ташқи айтиб беришларисиз эсда қолганлар бўйича ўзлаштирилган маълумотларни қайта айтиб бериш ва шулар асосида намунавий топшириқлар ечиш кўникмаларини текшириш (ўзлаштиришнинг II даражаси)</p>	<p>1. Қўшимчалар қўйиладиган тестлар</p>	<p>Ҳоҳлаган шаклда: оғзаки, белгили, чизмаларда тақдим этилган фикрларни тўлдириш талаб этилади</p>	<p>йўқ</p>	<p>... (формулани) тўлдириш, (етишмаётган элементни)... кўрсатинг</p>
	<p>2. Тузилишлик (конструкторлик)-ка оид тестлар</p>	<p>Эсда қолганларни айтиб беришларисиз қайта такрор тиклашни талаб этади</p>	<p>йўқ</p>	<p>Бу “(тушунча / ифодалаш кўрсатилади) нима?”... Чизма чизинг ... Учун формулани ёзинг</p>
	<p>3. Намунавий топшириқлар</p>	<p>Маълум бўлган қоидаларни қайта тиклаш ва уни изланаётган натижа учун қўллаш талаб этилади</p>	<p>1) 2) 3) 4)</p>	<p>Намунавий топшириқ</p>

<p>Ижодий фикрлаш кўникмаларини текшириш (ўзлаштиришнинг III даражаси)</p>	<p>Нооддий топшириқлар</p>	<p>Намунавий тартиб остидаги топшириқларни охирига етказишда, қўшича маълумотларни қидириш учун, дастлабки шароитларни ўзгартириш талаб этади.</p>	<p>1) 2) 3) 4)</p>	<p>Нооддий топшириқлар</p>
--	----------------------------	--	--------------------------------	----------------------------

Натижаларни баҳолаш:

I даражада - “3”

II даражада - “4”

III даражада - “5”

Агарда ўқув машғулотининг мақсади “...умумий тушунчаларни шакллантириш” бўлса, ва бунда талаба биринчи даражадаги барча тестларни бажарса неча баҳо қўйилади?